

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА-УЧИНЧИ РЕНЕССАНС: ИСЛОХОТЛАР ВА ТАЛҚИН МАСАЛАЛАРИ

Сайфуллаев Шахзод

Камолиддини Беҳзод номидаги миллий
рассомлик ва дизайн институти «Ҳайкалтарошлик»
мутахассилиги 2 босқич магистранти

Аннотация: Учинчи Ренессанс даври мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида шунингдек, шу атамага мос тарзда бугунги кунда ўзгача йўналиш ва босқичларда янгидан вужудга келиб ривожланаётган Ўзбекистон замонавий санъати ҳақида фикрлар юритилади.

Калит сўзлар: ислохот, пойдевор, даъват, портрет, миграция, коррупция.

Аннотация: Есть мысли о реформах, проведенных в стране в период Третьего Возрождения, а также о современном искусстве Узбекистана, которое заново развивается в разных направлениях и этапах в соответствии с этим термином.

Ключевые слова: реформа, фонд, приглашение, портрет, миграция, коррупция.

Abstract: Est müsli o reformax, provennyx v strane v period Tretego Vozrojdeniya, a takje o sovremennom iskusstve Uzbekistana kotoroe razvivaetsya raznykh napravleniyax i etapax v sootvetstvii s etim terminom.

Key words: reform, fund, prigrashenie, portrait, migration, corruption.

Янги Ўзбекистон – бу ибора Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий

ҳаракатга айланиб бораётган эзгу ғоядир. Бу ғоя замирида: бир томондан, бугунги ва эртанги авлодларимизнинг “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қўйишдек эзгу мақсад-муддаолари, иккинчи томондан, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даврларига асос солган улуғ аждодларимиз, аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари, учинчи томондан, бунёдкорлик, яратувчанлик, ҳар доим ўқиш ва изланишга даъват ўз мужассамини топган.

Ренессанс французча сўз бўлиб, қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ маъносини англатади, маданият, илм-фан, санъат, таълим-тарбия, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли бир хилликдан кейин қайта ривожланиш, ижтимоий онг ва кадриятлар тизимининг янгиланиш жараёнида намоён бўлади⁵⁸.

Эътибор берсак, Ўзбекистонда рўй берган ҳар иккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат — давлатнинг эътибори, мамлакат бошқарувида олиб борилган одилona ва оқилona сиёсат, таълим-тарбия устувор бўлган. Бундан ташқари, инсонларда юксак ахлоқ, илм-фанга ташналик билан бирга, борлиқ сирларини очиш ва янги илм яратишга ишонч кучли бўлган. Олимлар ўзлари билмаган ҳолда, бугун тарихчилар эътироф этаётган Ренессанс даврининг ижрочиларига айланган.

Ҳар икки Ренессанс даврида давлат раҳбарлари, олиму фузалолар, биринчи навбатда, ёшлар таълим-тарбияси, маънавияти, иймон-эътиқоди масаласига алоҳида эътибор қаратган. Деярли барча алломалар асарларида таълимни тарбия билан уйғун олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрларни учратиш мумкин. Масалан, Абу Али ибн Сино ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва бахт-саодати, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги, обод турмуш тўғрисидаги ғояларни илгари сурган. Мутафаккир “Бола баданининг бўғинлари қотиб, тили равон чиқиб, қулоғи эшитиш ва гапни маъқуллаш учун тайёр бўлиб, вужуди илм ва одоб ўрганишга ҳозир бўлганда унга илм ва одоб ўргатиш керак”, деб ёзади.

⁵⁸ <https://yuz.uz/>

Мустақилликни қўлга киритишимизки, то бугунги кунга қадар аجدодларимиз мероси тиклана бошланди. Барча соҳаларда халқчил ислохотлар олиб борилди. Халқда рухий кўтарилиш, келажакка ишонч пайдо бўла бошлади. Бу ҳолат “миллий тикланиш”, дея ном олди. Бугунги кунда эса, миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичига ўтдик. Энди, албатта, қандайдир ўзгариш бўлиши лозим. Чунки биз иккита Ренессансни яратган буюк аجدодларнинг ворисларимиз. Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Учинчи Ренессансга қадам қўйиш босқичи, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш босқичи, деб номлаб, қуйидагича таърифлади: “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади.⁵⁹”.

Мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар, янги фикрлар ва янги қарашлар ҳамма соҳалар сингари санъат соҳасида ҳам ўзини намоён этмоқда. Илк мустақиллик йилларида ижодкорлар тарих, миллий қаҳрамонлар, миллий қадриятларни баралла қуйлаган бўлса эндиги навбатда эса тарихий маданиятга ҳурмат билан қараш, миллий халқ маданияти ва санъатига янги муносабатларни яралишига имкон туғдирди. Эндиликда тасвирий санъатда, ижодий йўналишларда эркинлик, рассомларнинг сиёсий қарашларга бўйсундирилган, ғоявий чекловлардан ҳалос этилган давр кириб келди. Эркин фикр, эркин мавзу ва эркин ифода шакллари бугунги ёш ижодкорлар ижодини камраб олган.

Ўзбекистон тасвирий санъати жуда қисқа вақтда ривожланиб, катта ютуқларга эришди. Ўзбекистон санъати зафарли йўлни босиб ўтди. Республикамиз рассомлари мана шу кунга қадар юртимизда ҳамда чет эл кўرғазмаларида фаол иштирок этиб келишмоқда. Тасвирий санъатнинг турли жанрларида ижод қилиб келатган рассомларимиз: натюрмортда

⁵⁹ ЎзА. Қаҳрамон Тўхсанов.

бозорларимизнинг тўлиб тошган ноз-неъматларини, манзара жанрида эса, ўлкамизнинг гўзаллигини ва бепоёнлигини, оддий табиат кўринишидаги гўзалликни тўлақонли ифодалашга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бирга қадимдан қолган бутун дунёга таниқли ажиб меъморчиликнинг нодир ёдгорликларини ўз асарларида кўрсатиб келмоқдалар. Портрет жанрида эса Ватанимизнинг илғор кишиларини, меҳнаткаш халқ, рассом, мусиқачи, айниқса мустақиллик йилларидан сўнг номлари қайта тикланган шоир, адиб, ёзуви ва халқ эрки, озодлиги йўлида ўз жонини қурбон қилган ватанпарварлар образлари гавдалантирилиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида эталон қиёфалар ўрнатилди.

Булар ичида Искандар Икромов, Малик Набиев, Дамир Рўзиев, Раҳим Аҳмедов, Ориф Муинов, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов, Ортиқали Қозоқов, Иброҳим Валиходжаев, Леким Ибрагимов, Раҳимжон Ризамухамедов, Алишер Аликуловлардир.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи - жаҳон тасвирий санъати тарихининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон санъати бой меъросга эга. Декоратив-амалий санъатимиз эса қадим замонлардан одамларни завқлантириб келган. Усталаримиз ижоди нафақат мустақил Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам ўз обрў-эътиборига эга. Ушбу фикрларнинг исботи сифатида кунни кеча Франция давлатида Ўзбекистон санъатига бағишланган кўرғазмани мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Чет-элда, айниқса Еврпанинг қадимдан то бугунги кунга қадар маданият ва санъат марказига айланиб улгурган Францияда Ўзбекистоннинг миллий маданияти, тарихи ва санъатига бағишланган кўрғазманинг ташкил этилиши, кишида ифтихор ва ғурур туйғулари жўш уради. Бу ҳаракатлар Ўзбек халқи, унинг келиб чиқиши, тарихи ва маданиятига бўлган қизиқиш натижаси деб айтиш мумкин. Ушбу кўрғазма кўплаб дунё тан олган санъат ихлосмандлари, олимлар ва санъатшуносларнинг қизиқишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизда бугунги кунда ижод қилаётган ижодкорлар замонавий санъат йўналишлари ва бошқа турларига қўл урмоқдалар. кўрғазмаларда ижодкорларнинг янгича қарашлари намойиш этилмоқда. бугунги санъатни кузатаркансиз унда асарни ифода этиш иккинчи даражага, асар ғояси эса олдинги поғоналарда. Асарнинг гўзал бўлиши бугун иккиламчи даражада. Бугунги санъат бевосита инсон, инсон ва унинг жамиятда мавжудлигининг муаммолари ҳақида куйлаяпти деб бемалол айта оламиз. Ўзбекистонда ҳозирги кунда С.Эркинов, Ж.Усмонов, Т.Фадеева, Б.Серекеев, В.Охунов, Усеинов ва “5+1” гуруҳи азолари ва яна бошқа ижодкорлар замонавий санъат йўналишида ўзларини намойиш этмоқдалар. Рассом жамият кўзгуси, жамиятда, оламда рўй бераётган воқеа ва ҳодислар ва муаммолар ҳақида очиқ-ойдин сўзловчи соҳа мутахассиси ҳисобланади. Бугун тасвирий санъатда ижод қилиб келаётган ижодкорлар ижодида жамиятда аёллар ва болаларга бўлаётган зўравонликлар, миграция муаммолари, коррупция каби муаммоларни ўз сюжетлари орқали талқин этиб келмоқдалар. Умумий қилиб айтканда бугун санъат соҳаси янгича “эркин” қарашлар, тажрибалар майдонига айланиб улгурди.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатида янги ижодий изланишлар, ранг-баранг ёндашувлар, фаразлар ва қарашларнинг пайдо бўлаётганлиги, тарихни теранроқ англаб етаётганлиги ва жаҳон замонавий услубларида синтез бўлаётганлигида назаримда. Зеро ёш ижодкорларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар онгига миллий маданиятни сингдириш замон талабининг энг асосий йўналишлардан бирилигича қолмоқда ва шундай бўлади. Ҳар-қандай соҳадаги ижодкор ҳоҳ у меъмор ё ҳайкалтарош бўлсин, миллат тарихи, миллий анъана ва қадриятларнинг асл негизини тушунар ва англари экан, шундагина, ўз ижодида замонавий йўналишларни уйғунлаштирган қилган ҳолда, мукамал етук ғоявий асарларни ярата олади деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. “Фалсафа асослари” Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент. “Ўзбекистон” Нашриёт-Матбаа ижодий уйи. 2005й.
2. С.С.Булатов. М.С.Саипова. “Бадий таҳлил тамойиллари. Тасвирий, амалий ва меъморлик санъат асарлари мисолида”. Тошкент 2016й. 258 б.
3. <https://yuz.uz/>
4. ЎзА. Қахрамон Тўхсанов.